

SOCIAL AND PHILOSOPHICAL STARS OF CORRUPTION

Isomiddinov Yunusjon Yusubboevich,

She is a teacher at the Samarkand State Institute of Foreign Languages
(Tel +99890 191-50-50)

Annotation

The article mentions the history of corruption, the role and significance of the socio-political processes in the fight against corruption in the spiritual and educational spheres.

Key words: Corruption, Artxa-shastra, corruption, Financial Times, Year of corruption, UN, Historical Events, Sprituality, Enlightenment.

КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси
(Тел +99890 191-50-50)

Аннотация

Мақолада коррупциянинг келиб чиқиш тарихи, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни ва роли, коррупцияга қарши курашда маънавий-маърифий соҳаларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Коррупция, "Артха-шаstra", "corruptere", "Financial Times", "коррупция йили", БМТ, тарихий жараёнлар, маънавият, маърифат.

Аннотация

В статье говорится об истории появления коррупции о его месте и роли в социально-политическом процессе и значение духовно-просветительской сферы в борьбе против коррупции.

Ключевые слова: Коррупция, "Артха-шаstra", "Год коррупции", ООН, Исторические процессы, духовность, просветительство.

Коррупциянинг пайдо бўлиши инсон цивилизацияси сингари, жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тарихий маълумотлардан бизга аёнки ибтидоий жамоа тузуми даврларида инсонлар бир хил меҳнат қилиб, бир хил турмуш тарзига эга бўлишган. Кейинчалик мулкий тенгсизликни пайдо бўлиши инсонларни турлича ҳаёт кечиришига олиб келди. Мулкий тенгсизлик фақатгина инсонларнинг меҳнати билангина эмас балки уларнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида юзага келган ва ривожланган. Давлат пайдо бўлиб, мулкдорлар ўзининг манфаатини химоя қилиш учун, қонун-қоидаларни жорий этганлар ва шу қонун-қоидаларга зид ишларни жиноят деб белгилаганлар. Қадимги даврларда жиноятчиликни содда турлари, ўғирлик ва талончилик кўпроқ учраган бўлса, кейинчалик босқинчилик, қароқчилик каби турлари юзага кела бошлаган. Инсон сивилизацияси ўсиши натижасида, жиноятчиликнинг турлари ортиб борган ва коррупция юзага келган.

Коррупция бу - мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бой-лик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, давлат амалдорларигина эмас, балки, давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора пул эмас, балки бошқа нарса эвазига маълум хизматни амалга оширишлари мумкин.

Этимологик жиҳатдан "коррупция" атамаси "бузиш, пора эвазига оғдириш" деган маънони англатадиган лотинча "corruptio" сўздан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, "коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир.

Дарҳақиқат, коррупция - илдишлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши, аввало, маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигидан дарак беради.

Коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. "Коррупция - давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир

Дунё тарихининг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзанд-ларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг виждони поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша маънавиятнинг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади.

Чиндан ҳам, агар одамзод бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади? Мана шу савол ҳар бир соғлом фикрлайдиган одамни ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур.

Жамиятни ичидан емирадиган иллат сифатида ҳар бир давлатни ва халқни ҳар томонлама, жумладан, давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жиддий тўсқинлик қиладиган офат бу коррупциядир. Аслида коррупциянинг келиб чиқиш илдишлари узоқ тарихга бориб тақалади.

Коррупциянинг тарихий илдишлари, афтидан, бирон кишида мойиллик уйғотиш учун совға бериш одатига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға одамни бошқа илтимосчилар орасида ажратиб кўрган ва унинг илтимоси бажарилишига хизмат қилган. Шу сабабли ибтидоий жамиятларда коҳин ёки қабила бошлиғига тўлов одат бўлиб қолган. Давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказий ҳукуматнинг кучайиши билан профессионал амалдорлар пайдо бўлган бўлиб, улар, ҳукмдорларнинг фикрига кўра, фақат қатъий белгиланган маош билан кифояланиши лозим бўлган. Амалда эса бу амалдорлар ўз мавқеидан даромадларни яшириш ва ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

Коррупцияга қарши курашган ҳукмдорлардан бири сифатида тарихда қолган шахс Урунимгина - эрамиздан аввалги XXIV асрнинг иккинчи ярми - да Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланади. Коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган ва кўпинча шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш қутилган натижаларга олиб келмаган. Баъзи-бир ҳолатларда хавфли жиноятларнинг олдини олишга эришилган, лекин майда камомад ва порахўрлик даражасида

коррупция оммавий характерга эга бўлган.

Коррупцияга оид муҳокама қилинган дастлабки асар - "Артха-шастра" - эраמידан аввалги IV асрда Бхарат Ҳиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья тахаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф "подшоҳнинг мулки, ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, бу мулкни идора қиладиганлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмас" - деган хулоса чиқарган.

Худди шу каби муаммоларга Қадимги Миср фиръавнлари ҳам дуч келган бўлиб, бу ерда эркин дехқонлар, хунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъён-ларга нисбатан ҳам ўзбошимчалик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди. Бизнинг кунларгача етиб келган Итахотел деган шахс ўз панд-насиҳатларида қуйидагича тавсия беради: "Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиққа қаршилик кўрсатадиган бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда эса яшаш ҳам осон бўлади" [1,56]. Судьялар сотқинлиги аҳолида ташвиш уйғотарди, чунки бу мулкнинг ноқонуний тақсимланишига ва низоларни ҳуқуқ майдонидан ташқарида ҳал қилишга олиб келган. Бежизга барча динларда коррупция турлари орасида биринчи навбатда судьяларни пора бериб сотиб олиш қораланмайди: "бошлиқ совға талаб қилади, судья пора эвазига суд қилади, катта амалдорлар эса ўз хоҳишига қараб бизларни жазолайди ва ишларни нотўғри талқин қилади"[2,352]; "Тухфалар қабул қилма, чунки тухфалар кўзи очикларни сўқир қилиб кўяди ва ҳақ бўлганлар ишини ўзгартириб юборади"; "Бир-бирингизнинг мулкингизни ноқонуний ўзлаштириб олманг ва бошқа кишилар мулкининг бир қисмини қасддан эгаллаб олиш ниятида ҳакамларни пора бериб сотиб олманг[3]" ва х.к.

Қадимги Рим қонунларида "сортимпре" атамаси "судда кўрсатмаларни пулга сотиб олиш" ва "судьяни пора бериб сотиб олиш" маъносида фойдаланила бошлаган. Жумладан, унда: "Наҳотки сиз судда сўзлашда ишларни текшириш учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олган судья ёки воситачини ўлим жазоси билан жазолайдиган қонунни шафқатсиз деб ҳисоблайсиз?[4,120]".

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, "коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз, уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин". Никколо Макиавелли асарлари коррупцияни англаб етишга муҳим туртки берган. У коррупцияни касаллик, масалан, сил касаллиги билан тенглаштирган. Агар касал ўтказиб юборилган бўлса, уни аниқлаш осон, лекин даволаш жуда қийин[5,78-79]. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади. Коррупцион қилмишларга муносабат ватанимиз тарихида ҳам анча қадимдан мавжуд бўлганлиги ҳақида тарихий манба-ларда ҳам, мутафаккир олимлар, ёзувчиларнинг асарларида ҳам қайд этилган. Масалан, буюк бобомиз Амир Темурнинг "Темур тузуклари"да ҳам амалдорлар халқдан солиқ йиғишда ҳам, ипак йўлидан ўтаётган савдо-гарлар қарвонларидан олинадиган йиғимларни олишда ҳам адолатли ва инсоф билан ёндашишлари белгилаб қўйилган. Ўз даврининг мутафаккирлари бўлмиш Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур, Аҳмад До-ниш, Муқимийларнинг асарларида ҳам амалдорлар томонидан оддий халқнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳолатлари қораланиб, танқид остига олинган. Шунингдек, бугунги кунда А.Темур бобомиз тўғрисида "Етти олам ҳукмдори" номли асарида Англиялик ёзувчи Хилда Хукхем шундай ҳолатни тасвирлаган, "Хукмдор Амир Темур Персияга қилган беш йиллик юришидан кейин империя пойтахти Самарқандга қайтиб келгач, унинг йўқлигида Самарқандга ҳукмдор қилиб қолдирилган амир устидан, халқ амир солиқ-ларни ошириб юборганлиги тўғрисида шикоят қилгач, император халқни арзи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ўша амирни жазолаб, мол-мулкни мусодара қилиб халқда қайтарганлигини" - таърифлайди. Кейинчалик ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида жойлашган Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлигида ҳам амалдорларнинг хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиши, порахўрликнинг авж олиши натижасида тез-тез сарой тўнтаришлари, исёнлар, ҳокимият таллашишлари бўлиб турганлиги, уларнинг заифлашиб қолишига сабабчи бўлиб, Россия импери-яси томонидан босиб олинишига олиб келди Совет ҳукумати давр сурган йилларда ҳам коррупцион қилмишларни янги турли кўринишлари авж олди. Кўпчилик кишилар ҳамон давлат томонидан бериладигандиган уй-жойни олишда, транспорт воситаси сотиб олишда, олийгоҳларга ўқишга киришда, санаторияларга дам олиш учун

бериладиган путёвқаларни олишда, чет элга хизмат сафарига чиқишда мавжуд бўлган коррупцион ҳаракатларни жуда яхши эслашади. Афсуски, уларнинг анчагинаси собиқ совет тузумидан мерос сифатида ҳозирда ҳам сақланиб қолганлигини қайд этиш жоиз. Хокимият тизимидаги коррупция давлатлар ўртасида турли урушларни, ҳарбий низо-ларни келтириб чиқарган.

XVIII аср охирларидан бошлаб ғарб мамлакатларида жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида туб бурилиш рўй берди. Либерал ўзгаришлар давлат ҳукумати унинг қўл остидаги одамлар манфаатида мавжуд ва шу сабабли фуқаролар амалдорларнинг қонунга сўзсиз риоя қилишлари эвазига ҳукуматни боқади деган шиор остида ўтган. Хусусан, 1787 йил қабул қилинган АҚШ Конституциясига мувофиқ, пора олиш айтиб ўтилган иккита жиноят турларидан бири бўлиб, улар учун АҚШ Президентига импичмент эълон қилиниши мумкин. Жамият давлат аппарати иши сифатида тобора катта таъсир кўрсата бошлаган. Сиёсий партиялар ва давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши билан йирик бизнес ва сиёсий партиялар тил бириктириши ҳолатларининг ўсиши ташвиш уйғота бошлади. Лекин шунга қарамай, XIX-XX асрлар давомида ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси қолган дунё билан таққослаганда анча пасайди[6].

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция янада долзарб халқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш оммавий характерга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунда коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар учинчи дунё билан чегараланиб қолмайди.

1995 йил 31 декабрь сонида "Financial Times" газетаси 1995 йилни "коррупция йили" деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Коррупцияга қарши кураш халқаро куни (9 декабрь) таъсис қилди. Шундай экан, ҳар қандай ташқи ғоявий, ахлоқий таъсирга нисбатан мафкуравий иммунитет, яъни ҳар бир ўзбекистонликда ташқи ғоявий таъсир-ни "маънавий элақдан ўтказиш қобилияти"ни шакллантириш маънавий-маърифий, тарбиявий ишларимизнинг биринчи вазифаси бўлмоғи зарур.

Бугунги кунда ўтмишга қизиқиш, ундан ҳозирги кун учун жавоб топишга интилиш ҳамда келажакни олдиндан кўриш учун ривожланишнинг бирон-бир йўлини танлаш умумий тус олмоқда. Чунки ўтмиш, бугун ва келажакни узвий алоқадорликда англаш тўғри ижтимоий қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века сост. В. А.Томсинов. - М.: Зерцало, 1999; 2004. - С. 56.
2. Библия. Ветхий Завет - М, 1994. - С. 352.
3. Қуръони карим, 2:188
4. Таблица IX. 3. Авл. Гелий Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсинова. - М.: Зерцало, 1999. С. 120.
5. Макиавелли Н. Избранное. М, 1989.
6. Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. - In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. - ISBN 978-0-7658-0761-8 - P. 331